



ЯНГИЛАНИШЛАРНИ сарҳисоб қилувчи айём

Тарих учун 35 йил ниҳоятда қисқа муддат. Бироқ халқимиз учун бу давр асрларга татигулик туб ўзгаришлар, миллий ўзликни англаш, мустақил давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги улкан тараққиёт босқичи бўлди. Энг муҳими, тақдиримиз ва келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриш мазмун-моҳиятини чуқур англаб, бу борада янги, янада юксак марраларни забт этишга киришдик. Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини мустақил белгилаш, миллий манфаатлар асосида тараққиёт йўлини танлаш имконини берди.

БУХОРО:

**Таълим,
таклиф ва
касаначиларга
имтиёзлар**

“ЙЎЛ МАДАНИЯТИ” —

ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

Инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳар бир жамиятнинг тараққиёт мезони ҳисобланади. Бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, муносиб шароит яратиш ва хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, йўлларда хавфсиз муҳитни шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда давлат идоралари билан бир қаторда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги умумхалқ вазифасига айланиб бормоқда.

Айни кунларда “Адолат” социал-демократик партияси ташаббуси билан Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Транспорт вазирлиги ва Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида “Йўл маданияти — хавфсиз ҳаёт кафолати” умумреспублика тарғибот акцияси ўтказилмоқда.

Лойиҳа доирасида маҳаллалар, меҳнат жамоалари, автошоҳбехатлар, темир йўл вокзаллари ҳамда аҳоли гавжум ҳудудларда профилактик учрашувлар, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ва очик мулоқотлар ташкил этилиши режалаштирилган. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда профилактиканинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор кўрсатади.



Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 32 (1600) 2026-YIL 14-AVGUST, JUMA

Ишчи гуруҳ Хоразмда



ХАЛҚ ҲАЁТИ МУЛОҚОТЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Муаммонинг ҳақиқий кўлами унинг моҳиятига кирганда, одамлар билан юзма-юз суҳбатлашганда, аҳоли фикрини тинглаганда намоён бўлади. “Адолат” социал-демократик партияси раҳбарияти

ва депутатларининг ҳудудларда амалга ошираётган ўрганиш тадбирлари ҳам айна шу мақсад билан ҳамоҳанг.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ

МУАММОНИ ЕЧИШГА
ТУРТКИ БЎЛДИ

Учрашувлар чоғида туман ҳокими Ботиржон Мирзакулов томонидан муҳим масала кўтарилди. Тумандаги “Gagarin Study” МЧЖ қошида ташкил этилган ўқув маркази томонидан “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 303 нафар ишсиз ёш, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда таълим муассасалари битирувчилари корейс, немис, япон ва инглиз тилларига бепул ўқитилган ва уларнинг 20 нафари Японияга ишлаш учун юборилган. Бироқ тилни муваффақиятли ўзлаштирган айрим ёшларнинг моддий маблағи чекланганлиги сабабли чет элга бориб ишлаш ёки ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаган. Бу эса, сарфланган меҳнат ва маблағнинг амалий натижа бермаганини кўрсатди.

“СОҒҚАНИ БОС,
СОҒҚАНИ!..”



ёхуд одамлар дардидан
даромад топаётганлар

Ақсарият “муъжизавий дорилар” лаборатория текширувидан ўтказилганда, уларнинг ичидан яширин равишда кучли таъсир қилувчи синтетик диабетга қарши дорилар чиққан. Бу дорилар шифокор назоратисиз қабул қилинса, беморнинг буйраги, жигари ва юрак-қон томир тизимига оғир зарба беради.

Қисқа қилиб айтганда, бугун тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин қандли диабетнинг ҳар иккала турини ҳам бир неча ҳафта ичида бутунлай “йўқ қилиб юборадиган” ёки “биргина восита билан даволайдиган” усул мавжуд эмас.

ЯНГИЛАНИШЛАРНИ сарҳисоб қилувчи айём



Элёрбек КОМИЛОВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати
бошқарма бошлиғи

Бугун Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигини шиддатли иқтисодий ислохотлар, кент қўламли бунёдкорлик билан кутиб олмоқда. Сўнгги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми илк бор 100 миллиард долларлик маррадан ошгани, экспорт ҳажми ва хорижий инвестициялар оқими бир неча баробарга ортгани иқтисодий мустақиллигини ва барқарорлигининг яққол исботидир. “Инсон қадри учун” эзгу тамойили ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Масалан, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоя йўналишида манзилли ижтимоий ёрдам ва “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали камбағаллик даражаси сўнгги йилларда сезиларли даражада туширилди, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали миллионлаб эҳтиёжманд фуқаролар қамраб олинди. Мактабгача таълим қамрови 27 фоиздан 74 фоизгача ошди, олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 42 фоизга етказилди. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига ажратилаётган йиллик бюджет маблағлари бир неча баробарга қўпайтирилди. Яшил энергетика ва рақамлаштириш борасида “яшил” энергетика улуши жадал ортиб, қайта тикланувчи энергия манбаларни қуввати кенгаймоқда. Давлат хизматларининг 70 фоиздан ортиғи рақамлаштирилиб, бюрократияга барҳам берилляпти.

Ташки сиёсатда Ўзбекистон очиқлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничилик тамойилларига таянган ҳолда фаол сиёсат юритмоқда. Марказий Осиёда мустақамланган ишонч ва дўстлик муҳити, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан илгари сурилган глобал ташаббуслар мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини тубдан ўзгартирди.

Албатта, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва сиёсий рақобат муҳитини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани кувонарли. Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон мақоми “ижтимоий давлат” сифатида мустақамлангани сиёсий партиялар, хусусан, “Адолат” СДП зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Суд тизимининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига кенг жорий этиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёшларни сифатли тиббий ва таълим хизматлари билан таъминлаш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ёш олимлар учун яратилаётган имкониятларни кенгайтириш борасида улкан натижаларга эришилди.

Айни пайтда партиямиз ҳам тарихий ва улуг сана — мустақиллигимизнинг 35 йиллигига пухта ҳозирлик қўймоқда. Худудий ва маҳаллий кенгашларимиз, депутатларимиз ҳамда фаолларимиз томонидан истиқлолнинг 35 йиллик зафарли йўлини кент тарғиб этиш доирасида аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари” ағолларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тарғибот ва амалий тадбирлар дастури босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Партиямиз вакиллари ва фаоллари бундан буён ҳам халқимиз ишончини оқлаш ҳамда кучли, ижтимоий ва демократик Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилади.

Фракция йиғилиши Рўйхатдан ўтказиш тартиби соддалаштирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.



ХАЛҚ ҲАЁТИ МУЛОҚОТЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Мурожаатларни ўрганиш, ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини таҳлил этиш ҳамда партиянинг жойлардаги фаолиятини янада кучайтириш мазкур сафарларнинг бош мезони бўлиб хизмат қилмоқда. Партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ бу гал Хоразм вилоятида бўлиб, ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Дастлаб Хива туманидаги “Истиқлол” маҳалласида “еттилик” фаолияти билан танишилди. Ушбу тизим томонидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан, аҳоли муаммоларини ўрганиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш йўналишида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Ўрганиш давомида хотин-қизларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, уларни касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш, имтиёзли кредит ва субсидия асосида ўз бизнесини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Маҳаллада мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Ишчи гуруҳ Хива туманида фаолият юритаётган “Khiva Tekst” масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни, ходимлар учун яратилган меҳнат шaroитлари ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ўрганишларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Тоҳир Полвонов ҳам иштирок этди.

Тадбир давомида корхонадаги тикувчи хотин-қизлар билан очик мулоқот ўтказилди. Унда ходимларнинг меҳнат фаолияти, иш шaroитлари, ижтимоий ҳимояси, даромадларини ошириш ва касбий ривожланиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Корхонада замонавий тикув ускуналари ўрнатилгани, хавфсиз ва қўлай меҳнат муҳити шакллантирилгани, шунингдек, ходимларнинг дам олиши ҳамда маиший эҳтиёжлари учун зарур шaroитлар яратилгани ижобий баҳоланди.

Мулоқот жараёнида хотин-қизларни доимий ва барқарор иш ўринлари билан таъминлаш нафақат уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустақамлаши, балки оилалар фаровонлигини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Корхонада бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳудудда аҳоли бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Тадбир доирасида корхонада самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар партия сафига қабул қилинди. Янги аъзоларга аъзолик гувоҳномалари топширилди ва жамоада партиянинг бошланғич партия ташкилоти тузилди.

Эндиликда мазкур бошланғич партия ташкилоти ходимларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда дастурий мақсад ва гоյ-

ларимизни меҳнат жамоаси орасида кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

“KHIVA SILK FABRIC”
ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИДА ЕТАКЧИ
Навбатдаги манзил “Khiva Silk Fabric” масъулияти чекланган жамияти бўлди. Мазкур корхона ҳудудда ипакчилик саноатини ривожлантириш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутди. Ўрганиш давомида муассасанинг ишлаб чиқариш цехлари, технологик жараёнлари ва тайёр маҳсулотлари кўздан кечирилди. Табиий ипак хомашёсини замонавий технологиялар асосида қайта



ишлаш йўлга қўйилган корхонада юқори сифатли ип-калава ва турли хил матолар ишлаб чиқаришмоқда.

Жараёнда илгор ва энергия тежакор ускуналардан фойдаланилаётгани маҳсулот сифатини халқаро стандартлар даражасида таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннарихини мақбуллаштириш имконини бераётгани қайд этилди. Корхонада тайёрланаётган ипак матолари ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бирга хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Маҳсулотларнинг сифати, табиийлиги ва замонавий dizayni уларнинг халқаро бозордаги рақобатбардорлигини таъминлашга хизмат

қилмоқда. Бу миллий ипакчилик анъаналарини замонавий саноат технологиялари билан уйғунлаштиришнинг самарали натижаси сифатида баҳоланди.

Ўрганишлар жараёнида корхонада хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ходимлар учун хавфсиз ва қўлай меҳнат муҳити яратилгани, уларнинг замонавий ускуналарда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида маляка ошириш курслари мунтазам ташкил этилаётгани маълум қилинди.

Партия вакиллари саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан бир қаторда ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини таъминлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш ва барқарор даромад манбаларини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Мулоқот давомида корхонанинг ишлаб чиқариш кувватларини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда юқори қийматга эга тайёр маҳсулотлар улушини ошириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББЫЙ ХИЗМАТЛАР ВА РАҚАМЛАШТИРИШ САМАРА БЕРМОҚДА

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий марказининг Хоразм вилояти ҳудудий филиалида бош шифокор Маҳмудбек Эшниязов аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизматлар, яратилган шaroитлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ҳамда соҳани рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ишчи гуруҳга маълумот берди.

Хусусан, муассасада жорий этилган DMED ахборот тизимининг имкониятлари намойиш қилинди. Мазкур тизим орқали беморларнинг электрон тиббий карталарини юритиш, шифокор қабулига онлайн навбат олиш, лаборатория таҳлиллари натижаларини электрон шаклда сақлаш ҳамда даволаш жараёнини рақамли назорат қилиш имкониятлари яратилган.

Тизим тиббий хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, орттиқча қорғозбилликни камайтириш, маълумотлар алмашинувини энгиллаштириш ҳамда шифокорлар фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилаётгани қайд этилди. Партия вакиллари муассасанинг дерматология, космето-

логия, лаборатория, физиотерапия ва соч трансплантацияси бўлимларида бўлиб, диагностика ва даволаш жараёнлари, замонавий тиббий ускуналар ҳамда беморлар учун яратилган шaroитларни кўздан кечирди.

Тадбир доирасида муассасадаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳам ўрганилди. Партия аъзолари сафини кенгайтириш, ходимларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш ҳамда жамоатчилик билан самарали мулоқот ўрнатиш йўналишида бажарилаётган ишлар юзасидан ишчи гуруҳга ахборот берилди.

ПАРТИЯ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ишчи гуруҳ партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда масъул ходимлари билан учрашди. Йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолият, белгиланган вазифалар ижроси, эришилган натижалар ва мавжуд камчиликлар танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида ҳар бир туман ва шаҳар кенгашининг фаолияти алоҳида кўриб чиқилди. Партия аъзолари сонининг ўсми динамикаси, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, янги аъзоларни жалб этиш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, партия лойиҳаларини ҳудудларда самарали амалга ошириш, уларнинг аҳоли манфаатларига хизмат қилиши ва аниқ ижтимоий натижа бериши билан боғлиқ вазифалар муҳокама марказида бўлди.

Ижобий натижалар эътироф этилди. Шу билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва йўл қўйилаётган кам-

чиликлар юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Жойлардаги фаолиятни янада кучайтиришга доир таклиф ва ташаббуслар тингланди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари кенгашлар фаолиятини баҳолашда фақат микдорий кўрсаткичлар билан чекланиб қолмасдан, амалга оширилаётган ишларнинг сифати, таъсирчанлиги ва амалий натижадорлигига устувор аҳамият қаратиш лозимлигини қайд этди. Айниқса, жойлардаги долзарб муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларни депутатлик назорати ва партиявий воситалар орқали ҳал этишга кўмаклашиш муҳим вазифа экани таъкидланди.

Қийинчиликка дуч келиши ёки фуқаро ипотека асосида сотиб олан ўз уйида яшаса-да, рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ муаммага учраши кузатишмоқда. Таклиф этилаётган нормалар ана шундай орттиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган. Бу, энг аввало, аҳоли учун давлат хизматларида фойдаланиш имкониятлари кенгайиши ҳамда маъмурий тўсиқлар қисқариши нуқтаи назардан жуда муҳимдир.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни қўллаб-қувватлади.



БУХОРО: ТАЪЛИМ, ТАКЛИФ ВА КАСАНАЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР



Мамлакат тараққиёти биргина давлат идоралари фаолияти билан эмас, балки жамиятнинг барча институтлари, хусусан, сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги билан ҳам узвий боғлиқ. Бинобарин, кучли фуқаролик жамияти шаклланган давлатда партиялар ҳар куни халқ манфаати учун ишлаши лозим.

Шу маънода Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар сиёсий партияларнинг олдида ҳам янги талабларни қўймоқда. Чунки партия нуфузи тadbирлар сони билан эмас, балки аҳоли муаммоларига қай даражада ечим топаётгани, қонунчилик ташаббуслари, депутатлик назорати ва кенг жамоатчилик ишон-

чини қозона олгани билан баҳоланади.

Бу жараёнда “Адолат” социал-демократик партияси томонидан ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, инсон қадрлари ва тенг имкониятлар таъминли асосида аниқ чоралар кўриляпти.

Жорий йилнинг ўтган даврида “Адолат” СДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан ҳудудларда 12 та янги бошланғич партия ташкилоти ташкил этилди. Вилоятда БПТлар 680 тага етиб, партия аъзоларининг умумий сони 82 минг 53 нафарга кўпайди. Бу кўрсаткич партия лойиҳаларининг жойлардаги ижроси самарали ташкил этилаётгани, аҳолининг партияга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганидан далolatдир.

Бундан ташқари партиядан сайланган 64 нафар маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан жойлардаги муаммоларни бартараф этиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилот ҳамда идораларга жами 76 маротаба депутатлик сўрови юборилди. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига 15 та ҳамда Кенгашлар қошидаги доимий комиссиялар кўриб чиқиши учун 18 та муҳим масалалар киритилди ва уларнинг ижобий ечимига эришилди.

Мақсуд ҲАМИДОВ,
вилоят кенгаши раиси

Халқ ишончи амалий натижада кўринади



Гап шундаки, ички ариқлардан оқиб келувчи оқова сувлар томорқаларга етиб боргунча ерга сингиб, исроф бўлаётгани аҳолига муаммо туғдираётган эди. Сув таъминотидаги узилишлар нафақат деҳқончилик соҳасига, балки ҳудуднинг санитария ва экологик ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганди.

Аниқланган муаммо юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Қисқа фурсатда соҳа масъуллари билан ҳамкорликда қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳудудда кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Пировардида сув исрофгарчилигига чек қўйилди. Бугунги кунда “Новметан” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи сўғориш тармоғининг 1,2 километр қисми тўлиқ бетонлаштирилиб, фойдаланишга топширилди.

“Варахша” тажрибаси

“Адолат” СДП Бухоро шаҳар кенгаши қошида “Варахша” бошланғич партия ташкилоти фаолият юритади. Бугунги кунда мазкур ташкилот ўз атрофида 355 нафар фаол аъзоларни бирлаштирган. Партия аъзоларининг 198 нафарини хотин-қизлар, 138 нафарини ёшлар ташкил этади.

Ташкилот фаолиятида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Феруза Икромова билан ўрнатилган мустаҳкам кўприк қўллаб ёшларнинг муаммоларига ечим бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, маҳаллалардаги энг оғриқли масалалардан бири – бу ижтимоий реестрда турган, бokuвчисини йўқотган ёки ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш. Ҳамкорликдаги ташаббус натижасида “Варахша” маҳаллада хотин-қизлар учун махсус “Хунармандчилик” тўғрисида ташкил этилди. Бу ерда аёллар қисқа фурсатда замонавий касб-хунар сирларини бeлул ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур лойиҳа фақатгина ўқитиш жараёни билан чекланиб қолмади. Тўғраки маммулаган маҳалланинг бир гуруҳ ахтиёржанд хотин-қизларига замонавий тикув машиналари топширилди. Бугунги кунда ушбу аёллар ўз хонадонидида касаначилик билан шуғулланмоқда. Қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотлар оилавий бюджетига қўшимча даромад келтирмоқда.

БПТ ва депутат ҳамкорлиги, ҳудуд аҳолиси билан йўлга қўйилган доимий очик мулоқотлар, фуқаролар муаммоларини маҳаллий Кенгаш сессияларига олиб чиқиш тизимининг самарали йўлга қўйилгани вилоятдаги бошқа сафдошларимизни бирлаштирган БПТларга ҳам намуна бўлмоқда.

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
вилоят кенгаши матбуот котиби



“ЁШ АДОЛАТЧИЛАР” – ёшларнинг жамоатчилик мактаби

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда партия қошида фаолият юритаётган “Ёш адолатчилар” ҳаракати муҳим ўрин тутмоқда.

Энг муҳими, “Ёш адолатчилар” фаолияти ёшларнинг стартапларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фикри ва таклифларини ешитиш ҳамда жамият учун долзарб масалалар ечимига жалб этишда самарали майдонга айланиб бормоқда. Бу эса ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ва масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, сафимизда “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган, илм-фан ва маданиятда

юксак марраларни эгаллаётган қизларнинг борлиги “Ёш адолатчилар” учун юксак намуна бўлаётди.

Амалга оширилаётган лойиҳалар ёшларнинг нафақат сиёсий, балки илмий ва ижодий салоҳиятини юзага чиқаришда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, “Ватан келажиги ёшлар қўлида”, “Таълим сифати – партия нигоҳида”, “Тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида бирлашайлик”, “Ёшлар саломамлиги – партия эътиборида”, “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур”, “Биз коррупцияга қаршимиз”, “Ёшларни ахборот хуружидан асраймиз” ҳамда “Одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграциясига қарши кураш” каби стратегик лойиҳалар натижасида 161 маротаба йирик тadbирлар ва амалий акциялар ўтказилиб, уларга 1 634 нафар иштирокчи қамраб олинди.

Ёшлар билан олий таълим муасасаларида, олис ва чекка маҳаллаларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида ўтказилаётган “Депутат ва ёшлар” учрашувлари ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкин, юксак ҳуқуқий маданиятга эга, ташаббускор ва фаол ёшлар – мамлакат тараққиётининг энг мустаҳкам таянчи ҳисобланади. “Ёш адолатчилар” ҳаракати ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётган муҳим жамоатчилик мактабидир.

Беҳруз ШАВКАТИЛЛОВ,
вилоят кенгашининг
“Ёш адолатчилар”
ҳаракати раиси

Фотима РАҲМАТОВА



Хотин-қизлар бандлиги – устувор масала

Сўнгги йилларда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тadbиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, касб-хунарга ўқитиш ҳамда муҳтож оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар нафақат аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, балки оилалар фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Ушбу тизимли ислохотлар “Адолат” СДП Сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, партиянинг ҳудудий кенгашлари ҳузурида ташкил этилган “Қандоқш аёллар клуби” ҳамда “Адолатчи аёллар” кенгашлари томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда.

Партия фаоллари томонидан Бухоро тумани Галаосиё маҳалласида иттиқомат қилувчи бир гуруҳ хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларни оилавий тadbиркорликка йўналтириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилишига қўмаклашилди. Мисол учун, Саломатбегим Раҳимовага паррандачилик йўналиши тadbиркорлигини ривожлантиришга 50 миллион сўм, Жасминахон Тўрובהва ҳамда Муштарийбегим Мустафаевага чорвачиликда иш бошлаши учун 50 миллион сўмдан имтиёзли кредит маблағлари расмийлаштириб берилди.

Бундан ташқари, ҳудудда хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни мақсадда Мақсуда Мансуровага қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш учун 15 миллион сўм, Флора Иботова ҳамда Раҳима Ҳафизовага маҳаллада тикувчиликни йўлга қўйиш ва ишсиз аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун 10 миллион сўмдан имтиёзли кредит маблағлари олиб берилди. Бугун улар берилган имтиёزلардан самарали фойдаланиб, оилаларига қўшимча даромад келтираётгани қувонарли ҳол.

Бундан ташқари, партиянинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида вилоятнинг барча ҳудудий кенгашлари фаоллари ва депутатлари кўмағида 21 нафар ишсиз хотин-қизларнинг доимий иш жойларига эга бўлишига эришилди. Қайд этиш керак, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлиги ва ижтимоий фаоллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мамлакат тараққиётининг муҳим омили бўлиб қолаверади.

Шахноза ПЎЛАТОВА,
вилоят кенгашининг хотин-қизлар ва ёшлар сиёсати бўйича раиси ўринбосари

АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Нодира Джанибекова, Муҳаммадҷон Валиев “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Сирдарё вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан учрашди.

Учрашувда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларда пидедалар ва автотранспорт воситалари учун муносиб шароитлар яратиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва ўқитиш тизими, умумтаълим мактабларида ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш самарадорлиги ҳамда соҳада ечимини қутаётган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар мутасаддилар ҳамроҳлигида жойларга чиқиб, автомобиль йўллари ва чорраҳаларнинг ҳолати, пидедалар ўтиш жойларида яратилган шароитлар, йўл белгилари ва бошқа хавфсизлик воситаларининг талабларга мувофиқлигини ўргандилар.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар ва билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент эшитуви доирасида муҳокама қилиниши белгиланди.

“ЙЎЛ МАДАНИЯТИ” —

ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

1 ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Акция доирасида тарғибот ва амалий тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Элликқалъа ва Қўнғирот туманларида депутатлар томонидан аҳоли ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Амударё туманида мазкур акция доирасидаги ишлар амалий ташаббус билан давом эттирилди. **Амударё туман кенгаши депутати Мансур Уразбаев** “Қуюқ кўпир” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ёшлар келажиги” ва “Эшоновул” кўчалари кесишмасида жойлашган нозос светофор масаласида аҳолидан келиб тушган мурожаатларни ўрганди.

Светофорни таъмирлаш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Йўллардаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш фақатгина автомобиль ҳайдовчисига эмас, балки йўлни кесиб ўтаётган ҳар бир пидедалнинг ҳушёрлиги ва масъулиятига ҳам бевосита боғлиқ. Йўл ҳаракати интизоми бузилган жойда фалокат юз бериши мумкин.

“Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши томонидан шаҳар ва туманларда ўтказилаётган кенг қамровли тарғибот тадбирлари ҳам жамиятда ушбу маданиятни шакллантириш ва инсонлар ҳаётини асрашга хизмат қилмоқда.

– Аксарият фуқароларимиз йўл қоидаларини фақат ҳайдовчилар амал қилиши шарт бўлган талаб, деб ҳисоблашади, – дейди “Адолат” СДП Улғунор тумани кенгаши раиси **Мукаррамхон Қодиров**. – Аслида бу борада барчамиз бирдек масъулмиз. Ҳайдовчи қанчалик тажрибали ва эътиборли бўлмасин, пидедалнинг қўтилмаган нотўғри ҳаракати кўнгалсиз ҳодисага сабаб бўлиши мумкин.

Мулоқот чоғида ҳайдовчилар масъулияти билан бира, пидедалар учун белгиланган тартиб-қоидалар ва пидедалар ўтиш жойларидан тўғри фойдаланиш бўйича атрофлича маълумот берилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Партияимизнинг Бухоро вилояти кенгаши томонидан вилоят Транспорт бошқармаси ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан биргаликда кенг қамровли тарғибот акцияси ўтказилди.

Акция давомида жамоат транспорти ҳайдовчилари, йўловчилар ва фуқаролар билан очик мулоқотлар ўтказилиб, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш, белгиланган тезлик меъёрларига риоя этиш, пидедаларнинг устувор ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, хавфсизлик камарларидан фойдаланиш, йўловчиларнинг ўз хавфсизлигига масъулият билан ёндашиши каби бир қатор вазифалар тушунтирилди. Иштирокчиларга тарғибот буклетлари тарқатилиб, йўл ҳаракати маданиятини шакллантиришга қаратилган амалий тавсиялар берилди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Акция доирасида Жиззах давлат педагогика университети қошидаги академик лицейда давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни очиб берган **партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Пўлат**

Ҳамзаев йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тизимли ислохотлар олиб борилаётганига қарамай, белгиланган тезликка амал қилмаслик, транспорт воситасини бошқаришда телефондан фойдаланиш, светофор талабларига риоя қилмаслик ва пидедаларга йўл бермаслик каби масъулиятсизликлар кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш зарурлигини кўрсатади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Наманган шаҳридаги 11-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган учрашувда **партия шаҳар кенгаши раиси Мирзараҳмат Олимов** ҳамда вилоят **ИХХБ ИПХ инспектори Бекзодбек Воҳиджоновлар** ота-оналар ва ўқувчилар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиши, пидедаларнинг хавфсиз ҳаракатланиш маданияти ва ёш болаларни йўлларда назоратсиз қолдирмаслик бўйича атрофлича тушунчалар беришди. Шунингдек, инсон ҳаёти ҳамма нарсадан азиз экани, шунинг учун ҳар бир фуқаро йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиб, ўзи ва атрофдагилар хавфсизлиги учун масъул экани тушунтирилди.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ. Йўлларда хавфсизлигини таъминлаш фақат мутасадди идораларнинг эмас, балки ҳар бир ҳайдовчи ва пидедалнинг умумий масъулиятидир.

“Адолат” СДП Навой вилояти кенгаши ҳамда унинг туман, шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари ана шу ҳаётий таъминоти аҳоли орасида кенг қарор топтиришга қаратилмоқда.

Партиянинг Конимех туман кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот тадбирида ҳайдовчилар, пидедалар ва ёшлар билан манзилли тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мулоқотларда белгиланган тезликка риоя қилиш, йўлнинг қатнов қисмидан тўғри фойдаланиш ҳамда ҳаракат иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат ва интизомни қарор топтиришнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Иштирокчиларга мавзуга оид тарғибот материаллари тарқатилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани алоҳида қайд этилди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоятда ўтказилаётган кенг қўламли тарғибот акциялари аҳоли гавжум масканларда ҳаракатланиш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Партиянинг Қумқўрғон туман кенгаши ва туман ИПХ бўлими ҳамкорлигида “Сурхон соҳили” МФИда учрашув ўтказилди.

Учрашувда ҳаракат давомида эҳтиёткорлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилиш бўйича тушунтиришлар берилди. Шунингдек, Шеробод туман деҳқон бозори ҳудудида ҳайдовчи ва пидедаларга манзилли тавсиялар берилди. Акция давомида аҳолига пидедалар ва ҳайдовчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари акс этган маҳсул тарғибот флаерлари тарқатилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Партиянинг вилоят кенгаши томонидан умумреспублика акцияси доирасида ўтказилаётган кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, **Пайарик туман кенгаши раиси Муҳаммадсодиқ Алибеков** ҳамда йўл-патруль хизмати ходимлари иштирокида аҳоли ва ҳайдовчилар билан “Йўл маданияти – хавфсиз ҳаёт кафолати” шиори остида манзилли мулоқотлар ташкил этилди.

Учрашувлар чоғида йўлларда тезликни оширмаслик, айниқса, болалар хавфсизлигини таъминлаш ва пидедалар масъулияти бўйича зарур тавсиялар берилди.

Жомбой туман ахборот-кутубхона марказида ўтказилган тадбир ҳам самарали кечди. Унда **вилоят кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти раиси Дилмурод Маҳрамов, Жомбой тумани ИИБ ИХХХ масъул ходими Назир Язданов** сўз олиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ёшлар ўртасида йўл маданиятини юксалтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоят маркази Гулистон шаҳрида ўтказилган тарғибот тадбири ҳам айнан жамиятда йўл ҳаракати хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга қаратилди.

Унда партиянинг **Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Бегзод Абдуллаев, Гулистон шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими бошлиғи Шодиёр Уламов** ҳамда **вилоят транспорт бошқармаси масъул ходими Ҳусниддин Сайфуддинов** йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш, ҳайдовчи ва пидедаларнинг масъулиятини ошириш ҳамда кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида сўз юритди. Йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш ва қоидабузарликларга беварқ бўлмаслик бўлмасликка даъват қилинди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Айни шундай тадбирлар вилоятнинг Оққўрғон ва Пискент туманларида ҳам ташкил этилди.

Оққўрғон туманидаги тадбир “Адолат” СДП Оққўрғон тумани кенгаши раиси **Алишер Қурбонов** ташаббуси билан ўтказилган бўлса, Пискент туманидаги тарғибот ишлари партиянинг

туман кенгаши ҳамда ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирлар давомида аҳоли гавжум ҳудудларида ҳайдовчилар, пидедалар ва ёшлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилиб, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш, белгиланган тезлик меъёрларига амал қилиш, хавфсизлик камаридан мунтазам фойдаланиш, пидедалар ўтиш жойларидан тўғри фойдаланиш ҳамда ҳаракат иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳурмат ва масъулият маданиятини шакллантириш юзасидан атрофлича тушунтиришлар берилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида

минлаш фақат янги автомобиллар, кенг кўчалар ёки замонавий техник воситалар билан эмас, балки инсоннинг ички маданияти ва масъулияти билан ҳам камбарчас боғлиқ. Ҳайдовчи тезликни оширмас, пидедалар билан жамиятда аҳолини кесиб ўтса, йўловчи хавфсизлик талабларига амал қилса, энг муҳими, ҳар ким бошқаларнинг ҳаётини ўз ҳаёти каби қадрласа, йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камаяди.

ФАРҒОНА ШАҲРИ. Лойиҳа доирасида шаҳардаги “Ибратли бекам” ўқув марказида мулоқот ташкил этилди. Унда партиянинг **Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари Орифжон Улмасов** ҳамда **Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ИХХБ Ахборот гуруҳи катта мутахассиси Элбек Қобилов** иштирок этди.



ҳам кўллаб тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Пойтахтда фуқаролар ўртасида йўл ҳаракати маданиятини юксалтириш, қоидаларга риоя этиш ҳамда пидедалар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аҳоли ва айниқса, ёшлар орасида йўл маданиятини юксалтиришга қаратилган бу каби амалий тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳар бир туманда давом эттирилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, йўлларда хавфсизлигини таъ-

Тадбир давомида соҳа мутасаддилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш, пидедалар хавфсизлигини таъминлаш ва юксак йўл маданиятини шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари атрофлича тушунтириб берилди.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш ва эътиборсизликка йўл қўймаслик, йўлларни фақат белгиланган жойлардан кесиб ўтиш ҳамда ҳаракатланиш вақтида чалғитувчи омиллардан, хусусан, телефон ва қўлоқчилардан фойдаланмаслик бўйича тавсиялар берилди.

“Адолат” СДП томонидан амалга оширилаётган мазкур ташаббус нафақат тарғибот тадбири, балки жамиятда ҳуқуқий маданиятни мустаҳкамлаш, фуқароларда қонунларга ҳурмат ва шахсий масъулият туйғусини кучайтиришга қаратилган муҳим ижтимоий лойиҳадир. Бу каби амалий ишлар давлат идоралари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугун йўл маданияти деганда фақат ҳайдовчининг интизоми эмас, балки пидедалнинг онгли ҳаракати, велосипедда юрган фуқаронинг қондаларга амал қилиши, йўловчининг масъулияти ва ҳар бир шахснинг ўзгалар ҳаётига ҳурмат билан муносабатда бўлиши тушунилади. Бу – тараққий этган жамиятнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Акция тадбирлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.



Бизнинг вакилимиз

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ МУАММОНИ ЕЧИШГА ТУРТКИ БЎЛДИ

МИРЗАЧЎЛ ТАЖРИБАСИ

Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмакда. Давлат бошқарувини такомиллаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. Ушбу ислохотлар орасида таълим соҳасидаги ўзгаришлар алоҳида ўрин тутadi, зеро, мамлакатимиз келажаги бево-сита бугунги ёшларнинг билим ва ма-лака даражасига, уларнинг замона-вий касб-хунарларни, жумладан, хо-рижий тилларни қанчалик мукаммал эгаллашига боғлиқ. Президентимиз томонидан белгиланган устувор ва-зифалар қаторида ёшларни халқро қи-мат бозорида рақобатбардош му-тахассис сифатида тарбиялаш, уларга замонавий билим ва кўникма бериш масаласи доимий эътиборда турибди. Айнан шу йўналишда мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилаётган та-шаббуслар, уларнинг амалий натижа-лари бугунги кунда жамиятимиз учун катта аҳамият касб этмоқда. Шундай ибратли тажрибалардан бири Жиззах вилояти Мирзачўл туманида йўлга қў-йилган бўлиб, бутун республика миқё-сида намуна бўлишга арзийди.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН БОШЛАНГАН ЙЎЛ

Ушбу ижобий ўзгаришларнинг бош-ланиши **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси, Фан, таъ-лим, маданият, спорт ва ёшлар ма-салалари қўмитаси аъзоси Шухрат Якубов**нинг жорий йилнинг январь ойида Жиззах вилояти Мирзачўл ту-манида амалга оширган хизмат са-фари билан боғлиқ. Худудларда олиб борилаётган ислохотлар борасидаги реал аҳволни ўрганиш, аҳоли ва масъул мутасаддилар билан бево-сита мулоқот қилиш мақсадида таш-кил этилган ушбу ташриф давомида депутат туман раҳбарияти, жамоатчи-лик вакиллари ва таълим соҳаси мута-хассислари билан учрашди.

Айнан шу учрашувлар чоғида ту-ман ҳокими Ботиржон Мирзакулов то-монидан муҳим масала кўтарилди. Жумладан, туманда фаолият юритаёт-ган “Gagarin Study” МЧЖ қошида таш-кил этилган замонавий ўқув маркази томонидан “Ёшлар дафтари” жамғар-маси маблағлари ҳисобидан 303 на-фар ишсиз ёш, ҳам таъминланган ои-лалар фарзандлари ҳамда таълим муассасалари битирувчилари корейс, немис, япон ва инглиз тилларига бе-

пул ўқитилган ва уларнинг 20 нафари Японияга ишлаш учун юборилган. Бирок тилни муваффақиятли ўзлаштир-ган айрим ёшларнинг моддий маблағи чекланганлиги сабабли чет элга бориб ишлаш ёки ўқишни давом эттириш им-конияти бўлмаган. Бу эса, сарфланган меҳнат ва маблағнинг амалий натижа бермаганлигини кўрсатди.

МАСАЛАГА ПАРЛАМЕНТ ДАРАЖАСИДА МУНОСАБАТ

Мазкур муурожаатнинг моҳиятини чуқур англаган депутат Шухрат Якубов масалани эътиборсиз қолдирмади, балки уни тизимли ва босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борди. Яъни, унинг ташаббуси билан Олий Мажлис Қонун-чилик палатасининг Фан, таълим, ма-даният, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан амалий семи-нар ташкил этилди. Семинар “Таълим соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари

ришни кучайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Семинарда иштирок этган Мактабча ва Мактаб таълими вазири раҳбарияти томонидан ту-манда амалга оширилган тажриба-лар келгусида республика бўйлаб ва-зирлик тизимидаги таълим муассаса-ларида ҳам жорий этилиши келишиб олинди.

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР: ҚИСҚА МУДДАТДА КЎЗГА ТАШЛАНГАН САМАРА

Депутатнинг изчил саъй-ҳаракат-лари қисқа муддат ичида ўзининг аниқ самарасини берди. Мирзачўл туманига Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси, Меҳнат миграцияси агент-лиги вакиллари, шунингдек, бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари ташриф буюриб, бевосита жойларда амалга оширила-ётган ишлар билан танишди. Туманда

ларнинг изчил ўсиб бориши депутат ташаббуси билан бошланган ислохот-нинг самарали натижа бераётганини кўрсатади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Шухрат Якубов мазкур масаланинг муҳимлиги ва бугунги кунда долзарб эканлигини тушуниб, унинг амалга ошишига ўз ҳиссасини қўшди, десак муболаға бўлмайди. Мирзачўл таж-рибаси жойлардаги муаммоларни ўз вақтида чуқур ўрганиш, зарур бўлса, уларни парламент даражасида кўриб чиқиш ҳамда тегишли давлат ташки-лотларини ягона мақсад атрофида бирлаштириш натижасида, мураккаб ижтимоий масалаларга ҳам амалий ечим топиш мумкинлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мирзачўл тажрибаси – “Адолат” соци-ал-демократик партияси депутатлари-нинг ҳудудларда олиб бораётган изчил



фаолиятининг ёрқин намунасидир. Партиямиз азалдан ижтимоий тенг-ликни таъминлаш, тенг имкониятлар яратиш ҳамда ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини оширишни ўзининг мақ-сади деб билади.

Бугунги кунда мамлакатимиз-нинг барча ҳудудларида янги та-шаббусларни қўллаб-қувватлаш, де-путатлар ва халқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, жойлардаги муаммо-ларни тезкор аниқлаш ва уларга дав-лат даражасида ечим топиш – бу на-фақат партиямизнинг, балки бутун жамиятимизнинг умумий вазифа-сидир. Мирзачўл тажрибаси эса бу йўлда ишончли ва самарали намуна сифатида бошқа ҳудудлар учун ҳам ўрнак бўлиб хизмат қилиши шубҳа-сиздир.

**“Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши
Марказий аппарати
Янги ташаббуслар ва
лойиҳалар маркази**

БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси биноси (Чилонзор тумани, Шарқ тонги қўчаси 23-уй) мажлислар залини замонавий услубда жиҳозлаш учун қуйидаги мебелларни харид қилиш бўйича тадбиркорлик субъектлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

Т/р	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Сони
1	Музокара столи (ўлчами: 6.5х1.3 метр) (<i>Стол материалы Россиянинг «Кроношпан» ишлаб чиқарувчиси томонидан тайёрланган мустаҳкам ЛМДФ, столнинг четлари ПВХ кромка билан қопланган, столнинг 3 та листдан ташкил топган юзаси крем-оқ рангга бўялган, стол оёқлари 100х100 мм ўлчамдаги металл профилдан тайёрланган ва беж рангли полимер қўқунли бўёқ билан бўялган</i>).	дона	1
2	Кресло (ўлчами: 60х55 см, h1(ўриндиғи)-52 см). h2(умумий баландлиғи)-115 см. (<i>Кресло асоси металл оёқдан иборат, ҳар бир оёғи роликли, ўриндиғи тўлиқ крем рангли эко чармдан қилинган, битта стулнинг юк қўтариш қуввати 150 кг</i>).	дона	22

Танловда қуйидаги талабларга жавоб берадиган юридик шахслар иштирок этиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний рўйхатдан ўтган бўлиши;
- мебель етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлиши;
- молиявий ва техник имкониятларга эга бўлиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;
- лицензия ёки рухсатнома талаб этиладиган фаолият турлари бўйича тегишли ҳужжатларга эга бўлиши.

Қуйидаги даъвогарларнинг таклифлари танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва уларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этма-ган;
- илгари тузилган шартнома (битим)лар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган;
- танлов эълон қилингунга қадар таъсис этилганига олти ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган.

Иштирокчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

Танловда иштирок этиш учун ариза;
Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
Тижорат таклифи (нарх, кафолат муддати, бажариш муддати);
Илгари бажарилган ўхшаш ишлар тўғрисида маълумотлар;
Бошқа зарур ҳужжатлар (танлов ҳужжатларига мувофиқ).

Танлов таклифларини тақдим этиш тартиби ва муддати:

Танлов таклифлари **2026 йил 25 август соат 18-00 га қадар**, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати биноси (*Манзил: Чилонзор тумани, Шарқ тонги қўчаси, 23-уй*)да жойлашган Танлов ко-миссиясига муҳрланган конвертда топширилади.

Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мебелларни харид қилиш учун танлов 2026 йил 26 август соат 15:00 да партиянинг Марказий аппарати би-носида бўлиб ўтади.

Танловни ўтказиш ва баҳолаш:

Танлов таклифлари нарх, сифат, техник мувофиқлик, кафолат ва бажариш муддатлари асосида баҳоланади. Танлов натижалари бўйича ғолиб билан белгиланган тартибда шартнома тузилади.

Эслатма: Тижорат таклифларида етказиб бериладиган мебелларни етказиб беришнинг энг қисқа муддатлари кўрсатилиши шарт. Сифати талабга мос келмаган ва сифат комиссияси қабул қилмаган маҳсулот-лар учун пул тўланмайди.

Молиялаштириш манбаи: Партиянинг бюджетдан ташқари маб-лағлари, келгусида маблағларнинг сарфланиши бўйича Ҳисоб палатаси-нинг текшируви бўлиб ўтиши белгиланган.
Буюртмачи томонидан мебеллар ҳажмига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Қўшимча маълумот:

Танлов бўйича қўшимча маълумотларни (71)2884208 (111), (93)2021404 ва (90)1291221 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Эълон берилган сана: 14.08.2026 йил

ОРЗУ РЎЁБГА
ЧИКДИ

Мамлакатимизда маҳаллани ислохотларнинг таянч бўғинига айлантириш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва ҳудуд-ларни комплекс ривожлантириш аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга йўл очмоқда. Наманган вилоятидаги Чор-тоқ туманидаги “Тешқўрғон” маҳалласида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ҳам бунинг ёрқин ифодаси сифатида эътиборга лойиқ.

Муҳиддин ОМАД, Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби

Маҳалла ҳудудида ички кўчаларни замонавий талаблар асосида таъмирлаш, аҳоли учун қўлай ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитини яратиш ҳамда муҳандис-лик инфратузилмасини яхшилаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оши-рилди.

Хусусан, “Мураббий” кўчасининг “Хоки Муборак” қабристонига олиб борувчи йўл қисми ҳамда масжид олдидаги ҳудудни ўз ичига олган жами 3 километрик автомобиль йўли тўлиқ асфальтлаштирилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард 648 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Мазкур масала аввал “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали ҳал этилиши ре-жалаштирилган бўлса-да, етарли овоз тўпланмагани сабабли ижобий ҳал этил-маган эди. Кейинчалик маҳалла фаоллари ва фуқароларнинг муурожаатлари асосида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фрак-цияси аъзоси Шухрат Якубов** ташаббуси ўз назоратига олиб, тегишли ва-зирлик ва идоралар билан амалий иш олиб борди.

Натижада лойиҳа учун зарур маблағ ажратилиб, йўл қурилиши ишлари тўлиқ аяунланди.



Агар реклама қилинаётган биологик қўшимчалар ёки мўъжизакор дорилар қандли диабетни ҳақиқатан ҳам бир неча ҳафтада буткул йўқ қилишга қодир бўлса, унда бутун дунёдаги шифохоналар, замонавий эндокринология марказлари, минглаб олимлар ва профессорларнинг кераги бормикан? Нобель мукофоти нега ҳалигача ушбу "мўъжиза" муаллифларига берилмади? Эл севган санъаткорларнинг ўз мухлислари ишончини пуллаши маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қанчалик тўғри?

СОХТА РЕКЛАМА

"Мен бу дорини тавсия қиламан!"

"Мен бунини ичдим ва тузалдим!"



Рекламаларда тилга олинган рақамлар (масалан, қондаги глюкоза миқдорини 30 ммоль/л дан 5 ммоль/л га қисқа фурсатда тушириш) тиббий нуқтаи назардан жиддий хавф туғдиради.



Сунъий интелект технологиялари ривожланиши билан мавжуд қонунчилик олдида ҳам янги вазифалар пайдо бўлмақда. Энди нафақат ёлгон рекламага, балки одамларнинг юзи ва овозидан уларнинг розилигисиз фойдаланишга, deepfake технологиялари орқали аҳолини чағиритишга қарши ҳам самарали ҳуқуқий механизмлар зарур. Қонун ижодкорлари, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари ҳамкорликда бу каби рақамли фирибгарликларга қарши аниқ ҳуқуқий чечимларни ишлаб чиқиши долзарб вазифага айланмоқда.

СОҶҚАНИ БОС, СОҶҚАНИ!..

ёхуд одамлар дардидан даромад топаётганлар

Хасталик билан курашаётган одам борки, "албатта соғайиб кетасан", деган қуюқ ваъдани эшитса бас, ишонади-қўяди. Афсуски, бугун айнан шу ишончдан, тўғрироғи беморларнинг ожиз аҳволдан, хавотиридан фойдаланиб миллион-миллион (агар миллиард бўлмаса) сўмлаб даромад қиладиганлар жуда кўпайиб кетди. Тушунган бўлсангиз керак?!

Бугун ноқонуний дори-дармонлар рекламаси ҳақида гаплашамиз.



Баҳриддин ХОНКЕЛДИЕВ,
"Адолат" СДП
Марказий аппарати
матбуот хизмати
ходими

Агар реклама қилинаётган биологик қўшимчалар ёки мўъжизакор дорилар қандли диабетни ҳақиқатан ҳам бир неча ҳафтада буткул йўқ қилишга қодир бўлса, унда бутун дунёдаги шифохоналар, замонавий эндокринология марказлари, минглаб олимлар ва профессорларнинг кераги бормикан? Нобель мукофоти нега ҳалигача ушбу "мўъжиза" муаллифларига берилмади? Эл севган санъаткорларнинг ўз мухлислари ишончини пуллаши маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қанчалик тўғри?

Мазкур рекламалар психологик жиҳатдан катта маҳорат билан қурилган тузоқдир. Ваҳоланки, қандли диабет сурункали касаллик бўлиб, кундалик назорат қилиш, парҳез тутиш ва умрбод дори ёки инсулин қабул қилишни талаб этади. Ҳар бир бемор бундай оғир юклардан қарчиди ва тезроқ соғайиб кетишни истаиди. Фирибгарлар айнан шу инсоний заифликдан — мўъжизага бўлган ишончдан фойдаланади.

Хўш, бу ҳақда МУТАХАССИСНИНГ
ФИКРИ ҚАНДАЙ?



— **Диабетни даволаш мумкин ёки мумкин эмаслигини тушуниш учун, аввало, бу касалликнинг биологик табиатини аниқлаш керак**, — дейди Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭАТМ) Хоразм филиали раҳбари Ғайрат Ғаибов. — **Қандли диабет — инсон организмда узлеводлар алмашинувиши бузилиши билан боғлиқ бўлиб, асосий сабаб инсулин гормонининг етишмаслиги ёки унинг тўқималар томонидан қабул қилинмаслигидир. Касаллик касоб икки хил турда бўлинади. Биринчи турдаги қандли диабет бу аутоиммун касаллиги бўлиб, ошқозон ости безининг инсулин ишлаб чиқувчи ҳужайралари организмнинг ўз иммунитет томонидан ноҳуд қилинади. Оқибатда организм умуман инсулин ишлаб чиқармайди. Бу турдаги беморлар умрбод кунлик инсулин инъекциясига муҳтож бўлади. Уни ҳеч қан-**



Мазкур рекламалар психологик жиҳатдан катта маҳорат билан қурилган тузоқдир.

Ваҳоланки, қандли диабет сурункали касаллик бўлиб, уни кундалик назорат қилиш, парҳез тутиш ва умрбод дори ёки инсулин қабул қилишни талаб этади. Ҳар бир бемор бундай оғир юклардан қарчиди ва тезроқ соғайиб кетишни истаиди. Фирибгарлар айнан шу инсоний заифликдан — мўъжизага бўлган ишончдан фойдаланади.

дай чой ёки ўсимлик билан даволаб бўлмайди.

Иккинчи турдаги қандли диабет кўпроқ катта ёшли одамларда, ортқча вазн ва нотўғри турмуш тарзи фонида ривожланади. Бунда организм инсулин ишлаб чиқаради, аммо ҳужайралар унга нисбатан сезгирлигини йўқотади. Бу турни парҳез, жисмоний фаоллик ва махсус дорилар ёрдамида мувозанатда сақлаш, ремиссия ҳолатига келтириш мумкин. Лекин бунини ҳам "буткул йўқ қилиб юбориш", деб бўлмайди. Чунки нотўғри турмуш тарзига қайтиш билан касаллик яна авж олади.

Рекламаларда тилга олинган рақамлар (масалан, қондаги глюкоза миқдорини 30 ммоль/л дан 5 ммоль/л га қисқа фурсатда тушириш) тиббий нуқтаи назардан жиддий хавф туғдиради.

Умуман, қондаги қанд миқдорини жуда кескин ва тез пасайтириш бош мия шишиши, хушдан кетиш, гипогликемик кома ва бошқа ҳаёт учун хавфли асоратларга олиб келиши мумкин.

Аксариат "мўъжизавий" дорилар лаборатория текширувидан ўтказилганда, уларнинг ичидан яширин равишда қучли таъсир қилувчи синтетик диабетга қарши дорилар чиққан. Бу дорилар шифокор назоратсиз қабул қилинса, беморнинг буйраги, жигари ва юрак-қон томир тизимига оғир зарба беради.

Қисқа қилиб айтганда, бугун тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин қандли диабетнинг ҳар иккала турини ҳам бир неча ҳафта ичида бутунлай "йўқ қилиб юборадиган" ёки "биргина восита билан даволайдиган" усул мавжуд эмас.

ҚОНУНЧИЛИК
НИМА ДЕЙДИ?



— **Интернет ва ижтимоий тармоқлардаги бундай назоратсиз, алдовга асосланган рекламалар мамлакатимиз қонунчилигига ҳам мутлақо зид ҳисобланади**, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Тоҳир Полвонов. — **Жумладан, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларига кўра, дори воситалари, биологик фаол қўшимчалар (БАД) ва тиббий хизматларни реклама қилишда истеъмолчиларни чалғитувчи, асоссиз ёки мўъжизавий натижаларни ваъда қилувчи жумлалардан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Шунингдек, шифокорларнинг ёки илмий ходимларнинг образларидан руҳсатсиз ёки уларнинг тавсиясиз фойдаланиш қонунбузарлик саналади.**

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига мувофиқ, лицензияга эга бўлмаган тиббий фаолият билан шуғулланиш, сифатсиз ёки сертифициatlanмаган маҳсулотларни сотиш, шунингдек, истеъмолчиларни алдаш (фирибгарлик) орқали уларнинг соғлиғига зарар етказиш ёки пул маблағларини ўзлаштириш учун қатъий жазо ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Рақобат қўми-

таси бу каби ижтимоий тармоқлардаги сохта рекламаларга қарши доимий равишда мониторинг олиб бориб, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўриб келмоқда. Демак, бу бир ҳақиқатни кўрсатади. Муаммо бор ва давлат ҳам унга қарши курашмоқда. Аммо...

Аслида "100 фоизлик натижа" деган жумла энг машҳур маркетинг усулларидан бири. Бироқ табиий, дегани хавфсиз дегани эмас. Масалан, заҳарли кўзиқорин ҳам табиий... Илмий ҳақиқат шундаки, айрим усимликлар жигари ишдан чиқариши мумкин. Баъзи гивҳлар эса қанд туширувчи дорилар билан бирга қабул қилинганда гипогликемия қақриши мумкин. Шунинг учун "табиий" деган ёзув унинг самарали эканини аниқламайди.

Оддий савол, ҳақиқатан ҳам диабетни даволайдиган дори чиқса нима бўлади?

У бутун дунё тиббиётида инқилоб бўлмайди? Юзлаб илмий журналларда мақолалар чиқади. Халқаро конференцияларда муҳокама қилинади. Эндокринологлар уни тавсия қила бошлайди. Дунё мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизими уни қабул қилади. Аммо ижтимоий тармоқда Фейсбук, Telegram канали ёки битта сайт бу ҳақда ёзаётган бўлса, албатта, шубҳа уйғотиши керак.

Биобарин, сохта рекламалар ортдан қувви ва энгил-елпи йўллар билан даволашишга уриниш фақат вақт ва маблағни эмас, балки ҳаётни ҳам хавф остига қўяди.

Сунъий интелект технологиялари ривожланиши билан мавжуд қонунчилик олдида ҳам янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Энди нафақат ёлгон рекламага, балки одамларнинг юзи ва овозидан уларнинг розилигисиз фойдаланишга, deepfake технологиялари орқали аҳолини чағиритишга қарши ҳам самарали ҳуқуқий механизмлар зарур. Қонун ижодкорлари, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва соғлиқни сақлаш тизими вакиллари ҳамкорликда бу каби рақамли фирибгарликларга қарши аниқ ҳуқуқий чечимларни ишлаб чиқиши долзарб вазифага айланмоқда.

Газетамизнинг азиз мухлислари, ушбу мақолаимиз мазкур мавзуда режалаштирган чиқишларимиздан дастлабкиси, холос. Биз кейинги мақоаларда бундай рекламаларда иштирок этган таниқли санъаткорлар ҳамда уларнинг тарғиботига учган беморлар, мутахассислар билан учрашиб, суҳбатлашиб ниятидаимиз. Зеро, бугун гап фақат реклама ҳақида эмас, балки инсоннинг энг катта бойлиги бўлган саломатлигини авайлаб-асраш, уни ҳимоя қилиш ҳақида кетмоқда.

ADOLAT

Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРҲИБОЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 701

Адади — 4 004
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10
Баҳоси келишилган нархда



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаганНавбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб — Абдугани СодиковТаҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани "Шарк тонги" кўчаси, 23-уй.Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас."Шарк" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.